



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2015 йил 17 АВГУСТ, ДУШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 167 (12.980)

Баҳоси эркин нарҳда

БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!

МУСТАҚИЛЛИК - INDEPENDENCE
24
ЎЗБЕКИСТОН

**"Биз қудратли
тўқимачилик ва
енгил саноатни
ташқил этиб, пахта
билан эмас, балки
барча
ривожланган
мамлакатлар каби
савдо қилмоғимиз
зарур".
Давлатимиз
раҳбари
истиклолнинг
дастлабки
йилларидан айтган
бу фикр чуқур
уйланган, узоқни
кўзлаган стратегик
ҳаракатлар
туфайли амалга
оширилди.**

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



ТАНЛАШ ИМКОНЯТИ МАВЖУДЛИГИ ЯХШИ ЯШАШ ҲУҚУҚИ ТАЪМИНЛАНГАНДИР

Барча соҳаларда ишлаб чиқариш, миллий маҳсулот яратиш вазифаси қўйилгани юртдошларимизни ташаббускорликка чоғлади. Тўқимачилик ва енгил саноатни ривожлантиришга бўлган эътибор туфайли бу соҳада йирик ишлаб чиқариш корхоналари пайдо бўлди. Уларда сифати билан жaxon бозорида машҳур бўлган ўзбек пахтасидан турфа газламалар ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Юзлаб хилдаги болалар, аёллар, эркаклар кийим-кечаклари бугун нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам энг табиий бренд сифатида ўз ўрнини топишмоқда.

Бугунги ёшларга ҳавасимиз келади. Ахир танлаш, кўнгилдагидек кийиниш имконияти мавжудлиги ҳам одамнинг инсондек яшашига бўлган ҳуқуқнинг тўла таъминланганидир! Қувонарлиси, ёшлар нафақат энг яхши нарсалар эгаси, балки унинг яратувчиси ҳамдир. Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳрида фаолият юритаётган "Lukbo Textile" корхонасига йўлингиз тушса, бунга амин бўласиз.

Компьютерлашган дастгоҳ олдида туриб, мониторга нафис гул аксини тушираётган қиз эътиборимни тортди. Зиёда Эргашева ёш бўлишига қарамай, Европада келтирилган замонавий "МНМ-4000" дастгоҳда тайёр кийимларга гул туши-

риш, унинг дизайнига кўрк бағишлаш билан шуғулланаётган экан. Паркент тadbиркорлик ва хизмат кўрсатиш коллежини тамомлаб, бу ерга ишга келган Зиёда чизган бежирим шакллар бир пасда болалар футболкаларида акс эта бошлади. Унга яқин бундай дастгоҳнинг ҳар бири кунига эллик мингга яқин тайёр маҳсулотга безак бера олади.

Бу давлатимиз томонидан саноат соҳасини модернизация қилиш, уни техник ва технологик янгилаш учун барча шарт-шароит яратилгани натижасидир. Маҳаллийлаштириш дастури туфайли юзлаб корхоналар импорт ўрнини босувчи, халқимиз эҳтиёжига мос янги-янги маҳсулотларни тайёрлаш имконига эга бўлаётди. Жорий йилнинг биринчи ярмида мазкур дастур доирасида қиймати 1,6 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, импорт ўрнини босиш самарадорлиги 640,6 миллион доллардан ошиб кетди.

Қайд этиш жоизки, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш ҳамда тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш иқтисодий ўсиш ва иқтисодий таркибий жиҳатдан ўзгаришнинг энг муҳим манбаидир. Мамлакатимизда бу борада тўпланган тажриба иқтисодиётнинг ташқи омилларга боғлиқлигини камайтириш, ички эҳтиёжни шакллантириш ва бозор-

ларимизни зарур истеъмол товарлари ва бошқа маҳсулотлар билан тўлдиришга йўл очаётди. Ташқил этилаётган ишлаб чиқариш қувватларининг тўлиқ фаолият кўрсатиши аҳоли бандлигини таъминлаш, валюта ресурсларини тежаш ва улардан оқилона фойдаланишда муҳим роль ўйнамоқда.

Ишлаб чиқарилаётган истеъмол товарлари турларини кенгайтиришга доир чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида жорий йилнинг ўтган даврида тўқимачилик соҳасида 38 турдаги янги маҳсулот ва тайёр тикувчилик-трикотаж буюмларининг 174 янги моделини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 108,1 фоизни ташқил этди.

Бу борада "Lukbo Textile" корхонаси ҳам ўзига хос тажриба тўплаган. Европа бозорларида харидорлар ишончини қозонган "C&A", "Wismach", "Primark" каби брендлар билан ўзаро ҳамкорлик маҳсулот сифати ва турининг ошишига олиб келди. Кийим-кечаклар моделини яратишда модельер-конструкторларнинг муаллифлик ҳоқлари ва технологларнинг тажрибасига таянишмоқда. Айни пайтда корхонада ҳар ойда 350 турдаги 1,5 миллион дона тайёр кийим-кечак тайёрланиб, харидорларга етказилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

"ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ": ИШОНЧЛИ, ХАВФСИЗ ВА БАРҚАРОР

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ислам Каримов
1992 йил 28 январда "Ўзбекистон
ҳаво йўллари" миллий
авиакомпаниясини ташқил этиш
тўғрисидаги Фармонни имзолади ва
компания миллий авиаташувчи
мақомига эга бўлди. Ўзбекистон
мустақилликка эришгач, Халқаро
фуқаро авиацияси ташкилоти –
ИКАОнинг тўла ҳуқуқли аъзоси
бўлди. Миллий авиакомпаниямиз
Халқаро ҳаво транспорти
ассоциацияси – ИАТАда рўйхатдан
ўтди ва дунё авиациясида ўз
мақоми ва ўрнини мустаҳкамлади.

Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллиги ва
Ҳаво флотига бағишлаб ўтказилган матбу-
от анжуманида компаниянинг ўтган йилларда
эришган ютуқлари ва уни ривожлантириш ис-
тиқболлари хусусида сўз юритилди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан мам-
лакатимизда дунё стандартларига мос, замона-
вий моддий-техник база ва юқори малакали му-
тахассисларга эга қудратли фуқаро авиацияси-
ни шакллантириш бошланди. Ҳаво кемалари пар-
киннинг мунтазам янгилашиб борилаётгани бу бо-
радаги асосий ютуқлардан биридир. Сўнгги йил-
ларда миллий авиакомпаниямиз парки ўнга янги
"А-320" ва тўртта "Боинг-767-300ER" ҳаво кема-
лари билан тўлдирилди. Ушбу лайнерлар бугун-
ги кунда халқаро ва маҳаллий йўналишларда пар-
воз қилмоқда. Шунингдек, улар сафига мамла-
катимизда ишлаб чиқарилган ўрта магистралли
олтита "Ил-114-100" самолёти қўшилди. Мазкур
янги техника кичик авиация учун харид қилинди.
Жорий йилда эса компания кўплаб вазифаларни
бажаришга мўлжалланган "Ми-8МТВ-1" вертолёт-
ига эга бўлди.

Янги турдаги самолётлардан фойдаланиш ер
устига техника базасини янгилашни тақозо этди. Ҳу-
сустан, пойтахтимиз ва вилоятлар марказларидаги
аэропортлар тўлиқ модернизация қилинди. Ушбу
аэропортларда йўловчиларни текшириш восита-
лари тегишли тартибда ишлаб турибди, янги ва
тақомиллашган техникалар жорий этилмоқда, учш-
қуниш йўлақлари реконструкция қилинди. Шунинг-
дек, аэровокзалларнинг ташқи қиёфаси янгила-
ниб, йўловчи терминаллари сони кўпайтирилди ва
хизмат кўрсатиш технологиялари яхшиланди.

Ушбу глобал вазифаларни бажариш мамлака-
тимизга жaxon авиатransпорт тизимининг бир
қисмига айланиш имконини берди. Чунончи, шу
йилнинг биринчи ярмида "Ўзбекистон ҳаво
йўллари" миллий авиакомпанияси самолётлари
11,5 миңдан ортиқ парвозни амалга оширди.
1,2 миллиондан зиёд йўловчи миллий авиаком-
паниямиз хизматларидан фойдаланди. 18,3 миң
тонна юк ташилди.

(Давоми 3-бетда)

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

МАҲАЛЛА — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Тошкент шаҳар ҳокимлигида маҳалла институтини янада такомиллаштириш, ташкилий ва иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш, унинг фуқаролик жамияти институти сифатидаги ролини кучайтириш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчи-
лик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат
ташқилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш
органлари қўмитаси, Ўзбекистон "Миллий тикланиш"
демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги фракцияси, "Маҳалла" ҳайрия жамоат
фонди ҳамкорлигида ташқил этилган тадбирда депу-
татлар, тегишли давлат ва жамоат ташқилотлари ва-
киллари, маҳалла фаоллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчи-
лик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат
ташқилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш
органлари қўмитаси раиси А.Саидов, Тошкент шаҳар

ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси
раиси Ф.Абдурахимова ва бошқалар Президентимиз
Ислам Каримов раҳнамолигида демократик давлат, куч-
ли фуқаролик жамияти барпо этишга йўналтирилган
изчил ислохотлар жараёнида маҳаллаларнинг ўрни то-
бора юксалиб бораётганини таъкидлади.

Айни пайтда юртимизда ўн мингга яқин фуқаролар-
нинг ўзини ўзи бошқариш органи самарали фаолият
юртмоқда. Ушбу жамоат тузилмаларининг фаолият кўла-
мини янада кенгайтириш, уларни инсон ҳуқуқ ва манфа-
атларининг фаол ҳимоячисига айлантириш, аҳолини аниқ
йўналтирилган манзилли ижтимоий ҳимоя қилишда ма-
ҳалланинг нуфузини ошириш доимий эътиборда.

2013 йил 22 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Ре-
спубликасининг янги таҳрирдаги "Фуқароларнинг ўзини
ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонуни бу йўна-
лишдаги ишларни янада юксалтиришда муҳим дасту-
риламал бўлаётди.

Маҳаллалар халқимиз тарихий қадриятларининг аж-
ралмас бўлаги бўлиши баробарида янгича таъминотлар
билан бойиб бораётди. Хусусан, маҳалла тadbиркорлик
ва оилавий бизнес маркази, жамоат назоратининг му-
ҳим кўзгуси, ижтимоий шериклик муносабатларини йўлга
қўйиш, қонун устуворлигини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқ
ва манфаатларини ҳимоя қилиш, инсон салоҳиятини
рўёбга чиқариш, жамиятимиздаги ислохотлардан ҳар бир
фуқаронинг баҳраманд бўлишини таъминлашда ўз ўрни-
га эга бўлган етакчи тузилмага айланмоқда.

Анжуманда маҳалла инфратузилмасини ривожлан-
тиришга йўналтирилган ҳуқуқий, ташкилий-амалий
тадбирлар самаралари, маҳалла институти фаолият-
ига оид қонунчиликни такомиллаштириш, ижтимо-
ий шериклик лойиҳаларини амалга оширишда фу-
қароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари роли-
ни кучайтириш борасидаги вазифаларга оид маъ-
рузалар тингланди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Навоийда мустақиллигимиз-
нинг 24 йиллигига бағишлаб
"Бетакроримсан, ягонасан, она Ва-
таним — Ўзбекистоним!" шиори ости-
да ёшлар фестивали бўлиб ўтди.
Тадбир доирасида кексалар ва
ёшлар иштирокида шахмат-шаш-
ка мусобақаси, Ватанни мадҳ этув-
чи мушоира кечаси ўтказилди.
Иқтидорли ёшларнинг "Ватаним та-
раққиётига менинг ҳиссам" мавзу-
сида ижодий ишлари, инновацион
ва бизнес ғоялари тақдими таш-
кил этилди. "Ватанимга муҳабба-
тим изҳори" фото, видео ва ижо-
дий ишлар кўргазмаси, айниқса,
кўпчиликнинг эътиборини тортди.

• Қашқадарё вилоятидаги "Ло-
чин" оромгоҳида ўтказилган "Юрт
келажаги — 2015" республика
иқтидорли ёшлар танловининг мам-
лакат босқичида 419 нафар ўғил-
қиз иштирок этди.

• Жиззах вилоятининг Жиззах
тумани кўп тармоқли, поликлини-
касида мустақиллигимизнинг 24
йиллиги ва Кексаларни эъзозлаш
йили муносабати билан ўтказила-
ётган саломатлик ҳафталиги дои-
расида аҳоли тиббий кўрикдан
ўтмоқда. Ўзбекистон Республика-
си Соғлиқни сақлаш вазирлиги та-
шаббуси билан "Ҳеч ким меҳр ва
эътибордан четда қолмасин!" ши-
ори остида ташқил этилган кўрик-
да уруш ва меҳнат фахрийлари,
оналар ва болалар саломатлигига
алоҳида эътибор қаратилмоқда.


• "Энг намунали фуқароларнинг
ўзини ўзи бошқариш органлари"
анъанавий кўрик-танловининг Жиз-
зах вилояти босқичида Жиззах
шаҳридаги "Кипчоқ" маҳалла фу-
қаролар йиғини биринчи ўринни
эгаллаб, мамлакат босқичига
йўлланма олди.

ЖАҲОНДА

• Индонезиянинг Trigana Air
Serbice авиакомпаниясига тегиш-
ли самолёт Папуа — Янги Гвинея
худудида парвоз қилаётган пайт-
да радарлар экранларидан йўқо-
либ қолди. Маълумотларга қара-
ганда, ҳаво кемаси бортида 54 на-
фар йўловчи бўлган.

• Венгрияда Будапешт шаҳри-
дан шимоли-шарқий томонга 50 ки-
лометр нарироқда 2 та йўловчи по-
ездининг ўзаро тўқнашиб кетиши
натижасида 19 киши жонини
Поездлар соатида 20 километр
бўлган паст тезликда ҳаракатлан-
ганликлари туфайли жабрланган-
лар сони кам. Ҳозирда тўқнашув
сабаблари аниқланмоқда.

• Австралиянинг "EVX" компания-
си қуёш батареялари орқали ҳара-
катланувчи "The Immortus" русум-
ли электр спорт автомобилини ярат-
ди. Янги автомобиль бир жуфт
электр двигател билан жиҳозлан-
ган бўлиб, уларнинг умумий қувва-
ти 40 киловатт (54 от кучи)ни таш-
кил этади. У бир марта тўла қувват
олиш ҳисобига 550 километр масо-
фани босиб ўтиш имкониятига эга.



Норгул АБДУРАИМОВА

ЯНГИ ИСТЕЪДОДЛАРНИ КАШФ ЭТАЁТГАН ФЕСТИВАЛЬ



Мумтоз куй-қўшиқлар тили, миллати, урф-одатидан қатъи назар, ер юзидаги барча халқлар руҳиятига сокинлик бахш этувчи, уларни бирлаштирувчи гоё таъсирчан воситадир. Уни эшитиш, ҳис этиш, тушуниш учун таржимон шарт эмас. Ҳис-туйғу, тасаввур ва кечинмалар диллардан дилларга, эллардан элларга кўчади.

Буюк мутафаккир аҳдодимиз Мухаммад Хоразмий санъатнинг инсон саломатлигига таъсири хусусида тўхталиб, «Менинг ватанимда, қадим замонлардан бери касалликларни даволашда сўз, дори-дармонлар, тил ва мусиқадан фойдаланадилар. Менга моҳир созанданинг сиздан чиққан куй ҳар қандай доридан яхши таъсир қилади ва шифо ато этади», дейди. Бу фикр мумтоз асарлар азалдан инсон саломатлиги ва руҳиятига ижобий таъсир кўрсатувчи восита сифатида фойдаланиб келинганидан далолатдир.

Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ҳар икки йилда ўтказилиб келинаётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида турли миллат ва элларнинг умуминсоний фазилатлар жамланган сара асарлари намуналари, ноёб ижод маҳсуллари ижро этилади. Шу боис бу анжуманга дунё аҳлининг қизиқиши ортиб бормоқда.

Бу фестивал санъат орқали эзгу орзу-умидлар тараннум этилиши, шу асосда турли халқларнинг дўстлик ва ҳамжиҳатлиги янада мустаҳкамланишига қўмақлаштириш билан аҳамиятлидир. Айни пайтда бу каби анжуманлар халқимиз маънавиятини юксалтириш, ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, ёш авлод қалбига бағрикенглик, эзгулик, меҳр-оқибат туйғуларини мустаҳкам қарор топтиришга ҳисса қўшаётди.

Ушбу фестивал санъатни ҳар томонлама ривожлантириш, санъаткорларни қўллаб-қувватлаш, халқаро ижодий алоқаларни янада кенгайтириш, маданий-маънавий ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш ҳамда миллий мусиқа санъатимиз, юртимиз тараққиёти ва сайёҳлик салоҳиятини бутун дунёга намойиш этишда муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди ЎЗА мухбирига «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали болиби, Ўзбекистон халқ офизи Абдунаби Иброҳимов. — Айниқса, мусиқа ва вокал йўналишида

ижод қиладиган истеъдод эгаларини рағбатлантириш, янги номларни кашф этиш, истеъдодини юзага чиқаришда ушбу анжуманнинг аҳамияти катта бўлаётди.

Фестивалда иштирок этиш учун маданият ва санъат йўналишида тахсил олаётган талабалар, лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари, бадий жамоалар, мақомчилар ансамблларидан ижодкорлар танлаб олинди. Уларнинг ижро маҳорати, сахна маданияти, қобилияти, истеъдоди баҳоланиб, мумтоз ашулаларни ижро этадиган хонандалар сараланди.

Улар орасида бу йил илк бор ушбу мусиқа анжуманида иштирок этаётган истеъдодли хонанда Қувончбек Дўстмуродов ҳам бор. У Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг мусикали драма актёрлиги йўналишини битириб, Ўзбекистон бадий жамоалар ижодий бирлашмаси қошидаги Юнус Ражабий номидаги «Мақом» ансамблида яққол хонанда сифатида фаолият кўрсатмоқда.

— Фестивалда турли халқларнинг миллий ижод маҳсуллари ижро этилади, — дейди Қувончбек. — Улар мумтоз, миллийликка уйғун, руҳиятни аллоҳовчи асарлардир. Дунё санъат устаслари иштирок этадиган ушбу мусиқа байрамида қўшиқ кўйлаш жуда катта масъулият, биз, ёш ижодкорлар учун катта бахт.

Ушбу мусиқа фестивали санъат ихлосмандларини халқимизнинг барҳаёт наволари, бунёдкорлиги, салоҳияти билан янада кенг таништиришда муҳим аҳамият касб этади. Президентимиз таъкидлаганидек, бу фестивал Шарқ оламини ва фалсафасини, беназир гўзаллик, назокат ва нафосатни ақл эттирадиган, инсон қалбини энг нозик нуқталарига етиб борадиган куй ва қўшиқларни, қадимий тасвирларни ифода этгани билан инсоннинг бутун вужудини қамраб олиши ва ўзига мафтун этиши мукаррардир.

Барно МЕЛИКУЛОВА

Ёши улуг инсонларни эъзозлаш, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш азалий қадриятларимиз сирасига киради. Халқимизда қариси бор уйнинг париси бор, дейишади. Дарҳақиқат, бизнинг юртимизда кексалар доимо эътибор ва иззатда.

Ҳамшаҳарларимиз

УМР МАЗМУНИ

— Ҳар бир инсон ёши улғайгани сари ортга назар ташлаб, босиб ўтган йўли, амалга оширган ишлари, эзгу амаллари хусусида қўй ўйлайди. Мен ҳам фарзандларим ва набираларимнинг ҳалол меҳнати билан эл-юрт қорига арайдиган, меҳрли ва билимли инсонлар бўлиб етишшиларни ташвиш билан яшайман. Шундай яшашимизда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Шоходи отам ҳалол меҳнат қилиб, покиза лўкма едириб, ўстирган ҳамда муноси меҳрибон, уч қиз ва уч ўғилни оқ ювиб, оқ тараган, бирор бир касб эгаси бўлиб етишишимизда жон фидо қилган Мукаррам онамининг хизматлари беқиёс, — дейди Юнусобод туманидаги «Туркқўргон» маҳалласида истиқомат қилувчи Шоабдулла ота Мухамеджанов.

Зеро, табаррук ёшдаги қўша қариган инсонлар — Шоабдулла ота ва Дилорам аянинг биргаликдаги тинч-тотув ҳаёти маҳаллада ёш оилалар учун ибрат мактабига айланган. Шоабдулла Мухамеджанов — радио ва телевидение соҳасида қўй йиллар самарали меҳнат қилди. Мухандислик касбига қатор йиллар лойиҳа институтларида фаолият олиб борган меҳрибон рафикаси Дилорам ая билан икки қиз ва бир ўғилни олиб маълумотли, эл хизматига қамарбаста инсонлар этиб ўстириб, айни вақтда набиралари даврасида кексалар гаптини сурмоқда.

Қариси бор уйнинг фазиси, баракаси ўзгача бўлишини биз таъсир буюрган хонадонда яна бир бор ҳис қилдик. Оилавий қадриятлар бардавомлиги, қариндош-уруғлар ўртасидаги меҳр-оқибат, фарзандлар таълим-тарбиясида пиризм бадавлатларимизнинг ўрни жуда катта. Бу Юртбошимиз ташаббуси билан Кексаларни эъзозлаш йили деб эълон қилинган жорий йилда юртимиздаги ҳар бир хонанда, маҳаллада ўз ифодасини топомқда.

Ўрта мактабни тугаллаб, ТошДУ (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг филология факультетига ўқишга кирган Шоабдулла ака талабалик давридаёқ кичик ҳавф ва мақолалар билан матбуотда қатнашиб турди. Интилувчан ва иқтидорли талаба 4-босқичда Ўзбекистон радиосининг «Ёшлик» (ҳозирги «Ёшлар») бўлимига ишга қабул қилинди. Орадан йиллар ўтиб, шу муҳарририятга бош муҳаррир этиб тайинланди. Устозларидан спорт журналистикаси сирларини ўрганиб, улар каби спорт мусобақаларидан репортажлар олиб боришни орзу қилди. Орзулари рўёбга чиқиши йўлида тинмай ўқиб, изланишлари ўз натижасини берди. Ўз даврининг машҳур спорт шарҳловчилари Роман Турпиев, Николай Озеров, Котэ Махарадзеал билан яқиндан танишиб, улар билан ёнма-ён ўтириб, футбол репортажларини эфирга узата бошладди.

— Қадрдон дўстим, таниқли шарҳловчи Азим Алимов билан радиода тўғридан-тўғри жонли мулоқотлар ташкил этиш орзуси билан яшардик, — дея сўзини давом эттирадиган ҳамкасбимиз. — Бу ниятимиз Ва-

танзимиз мустақилликка эришганидан сўнг амалга ошди. Мана, бир неча йилдирки, республика радиосида вилоятлардан футбол радио кўприкларини ташкил этиб келинмоқда. Бу ўша давр учун анча мураккаб эди. Ҳозир эса энг замонавий техника асбоб-анжомлар билан жиҳозланган Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси учун оддий бир ҳол. Телерадионинг имкониятлари чексиз эканлиги мустақиллик йилларида янада ёрқин намоён бўлмоқда. Ким ўйлабди дейсиз республикаимизда ўнлаб давлат, нодавлат каналлари ташкил этилишини? «Спорт» телеканали ҳам мустақиллик меваси. Мазкур канални ташкил этишда бевосита иштирок этиб, унинг ривожланиши, ранг-баранг бўлишига ҳисса қўшганлигимдан фараҳланаман. Марказий Осиё давлатлари ўртасида биринчи бўлиб «Спорт» телеканалнинг фаолият бошлаши ёшларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб ўсишлари, ўзбек спорти нуфузини дунёга кўрсатишда катта омил бўлиб хизмат қилмоқда. Жаҳон ва Осиё чемпионатлари, Олимпиада ва Осиё ўйинлари, турли даражадаги халқаро турнирлар, Президентимиз таъаббуси билан ташкил этилган, дунёда ўхшашини йўқ босқичли «Умид нихолари», «Баркамол авлод», Универсиада ўйинларидан репортажлар олиб кўрсатиш ва эшитиришда мен ҳам бевосита иштирок этдим.

Халқимизда меҳнат қилган элда азиз, деганларидек, Шоабдулла аканинг камтарона меҳнатлари муносиб тақдирланиб, 2007 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида кўра «Меҳнат шухрати» орден билан мукофотланди. Бундай мукофотларга эришишда у ҳамкасб дўстлари — Азим Алимов, Омон Бурҳонов, Анвар Икромов, Фарҳод Иминов, Рустам Мирдадаев, Рихсатилла Умаров, Эркин Исомиддинов, Анвар Ўрмонов, Толиб Рўзиев, шогирдлари — Сафармад Сафоев, Отабек Эшмамов, Азимжон Пулатов ва бошқа ўнлаб спорт журналистларининг ҳиссалари катта эканлигини эътироф этади.

— Отам бизга нафақат илмда, балки ҳаётда ҳам доим тўғри йўлни кўрсатиб келади, — дейди тўнғич қизи Шохид Шарахметова. — Уларни устозим деб биламан. «Ёмонликка ҳеч қачон ёмонлик билан жаовб бермагин, қўлингдан келганича яхшилик қилгин», деган ўғитларига амал қилиб, элнинг дуосини олоқдамиз.

— Бобом менда ўз ёшлиқларини кўришларини айтадилар, — дейди набираси Шохруҳ. — Биз қўнча бобом унинг-ўсган маскан, Эски шаҳардаги маҳаллага бо-

Пойтахтимизнинг кенг ва равон кўчалари бўйлаб жамоат транспортида айланган киши автобусдан тушиши билан жазирама тафтидан халос бўлиш учун қўйшга қарши кўзойнак ва соябон тутиб олади. Марказий кўчалар четиға экилган хушбўй райхон ҳиди димоққа урилса, гўёки кўкдан олов пуркаётган қўйишнинг тафти пасайгандек туюлади. Атрофга сачраётган сув зарралари ёқимли, ундан соатлаб баҳра олгинг келади.

Маҳалла

РАЙҲОН ИСИ ТАРАЛАДИ

Дарвоқе, кишига хуш кайфият бағишлайдиган бундай ҳолатни шахримизнинг нафақат марказий хибобларни, балки барча туманларнинг ибратли маҳаллаларида ҳам кузатишимиз мумкин. Бунинг учун ташкилотчилик ва ташаббускорлик керак, холос. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўй қаватли турархўй мавзесими, ҳовли-жойми шу ҳудудни ободонлаштириш, кўркам ва батариб масканга айлантириш учун бош-қош бўлишади.

Яшнобод туманининг «Наврўз» ва «Яшнобод» маҳаллалари ёнма-ён жойлашган. Ҳар иккала маҳалла ҳудудида қўй қаватли турархўй, 2 та мактабгача таълим муассасаси, 2-Республика болалар юкмили касалликлар шифохонаси мавжуд. Аҳолининг кундалик фаолиятида асқотадиган хизмат кўрсатиш шохобчалари бор.

Маҳалла ҳудуди обод ва кўркам бўлса, нафақат бу ерда яшовчи аҳоли, балки меҳмонлар ва келиб-кетувчиларнинг ҳам кайфияти кўтарилади. Ҳар иккала маҳаллани туташтирувчи 454 квадрат метрлик майдоннинг 120 квадрат метрига хушбўй ва муаттар райхон гули кўчати экилиб, ҳар кун парвариш қилингани учун бу ер бутунлай бошқача манзара касб этди. Гул қўчаларининг тағи вақти-вақти билан юмшатилиб, ўғит солинади, тез-тез сугорилади.

Ёз жазираси бошланиб, ҳар иккала маҳалла аҳолиси соя-салқин ва баҳаво масканга эҳтиёж сезган бир пайтда райхон иси таралиб турган хиббон аҳолига хизмат кўрсата бошлади. Райхон гулининг барглари йирик-йирик бўлиб, қўлингизни бир текизиб олсангиз, хиди димоққа шу қадар уриладики,

Хулкар КУЗМЕТОВА

БЎШ ВАҚТЛАРИ МАРОҚЛИ ЎТМОҚДА

Шайхонтоҳур туманидаги «Ўрда» маҳалласида «Ёзни «Қамолот» билан!» лойиҳаси доирасида маҳалладаги ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, уларнинг иқтидор ва салоҳиятини юзага чиқариш, чет тилларини пухта эгаллашларига қўмақлаштириш мақсадида «Тилларни ўрганиш» курслари ташкил этилди.

Маҳалла болаларига Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети талабалари иштирокида инглиз тилидан сабоқлар берилди. Эндликда инглиз

жонларнинг тил ўрганишга бўлган қизиқишларини янада оширди.

Бу каби тадбирлар ўғил-қизларнинг интеллектуал салоҳиятини кўтариш, касбга йўналтириш ҳамда бандлигини таъминлашга қаратилган бўлиб, келгусида ўз иқтидори билан мамлакатимиз тараққиётига ҳисса қўишини истовчи ёшларнинг билим ва кўникмаларини янада оширишга хизмат қилади.

Зарина РУСТАМОВА



рамиз. Улар юртимизда юз бераётган ўзгаришлар, ёшларга яратилаётган шарт-шароитлар ҳақида гапириб берадилар. Бобом тор кўчаларда кечган болалик даврлари хотираларини эслайдилар. Ниятни яхши қилиш, Яратганга шукрона айтиш икки дунё саодатига эллади, дейдилар.

Уша тор кўчаларда ўсиб, улғайиб, эл қорига яраётган оилалари тиббиёт ходимлари Мухайё (марҳума), Сурайё, синглиси Мавлуда, укалари — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган транспорт ходими Шомурод Мухамеджанов, Ўзбекистон халқ рессоми, Бадий академия академиги, миниатюрчи мусаввир Шомахмуд Мухамеджановнинг ибратли ишлари ҳақида невараларига гапириб, келгусида мустақиллик берган имкониятлардан оқилона фойдаланиб, юртимизга фидойилик билан сидқидилдан хизмат қилишга даъват қилади.

Шоабдулла аканинг қизи Шохида филолог, ўғли Шомақсуд ва қизи Дилдоралар транспорт соҳасида фаолият олиб борадилар, келини Умидхон фармацевт, кўевлари Фарҳод ва Жаҳонгирлар ҳам турли касбларда элга хизмат қилиб келишмоқда.

— Набираларим Фаррух, Жавоҳир, Шохруҳ, Алишер, Шоакбар, Муносиҳон, Назокатхонларнинг бўйлари бўйимизга тенглашиб, олий ўқув юртиларида, коллеж ва мактабларда билим олаётганларидан қувонаман, шукроналар айтаман. Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси мушарраф бўлган эркин ва фаровон ҳаёт, тинчлик барқарор юртимиз мустақиллигининг 24 йилгига арафасида Бетакорримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистони! дейман, — дея дил сўзларини билдиради Шоабдулла ота.

Бундай саодатли умр ва ўз соҳасининг заҳматкаши бўлиш, фидокорона меҳнатлари билан юртимиз ривожига қўшган ҳиссасининг эътирофи ёшларимиз учун катта ибрат мактабидир. Биз юзларидан нур ёғилиб турган, табаррук ёшини қаршилаётган Шоабдулла отага келгусида невараларнинг қамоллини кўринг, доимо соғ, омон бўлинг дея эзгу ниятлар билдирамиз.

Зиёда РАСУЛОВА
Ислам Исмоилов олган сурат

“ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ”:

ИШОНЧЛИ, ХАВФСИЗ ВА БАРҚАРОР

(Давоми. Боши 1-бетда)

“Навоий” аэропорти базасида ташкил этилган Халқаро интермодал логистика маркази жадал ривожланмоқда. 2009 йилнинг май ойидан жорий йил биринчи ярмига қадар юк ташиш ҳажми 219,7 минг тоннадан ошди. 2015 йилнинг биринчи ярмида “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси ва хорижий авиакомпанияларнинг “Навоий” Халқаро интермодал логистика маркази орқали ташиланган умумий юк ҳажми 14 минг тоннани ташкил этди. Қайта жиҳозланган иккита “Боинг” юк самолётининг фойдаланишга топширилгани йўналишларни кенгайтириш ва марказ орқали юк ташиш ҳажмини ошириш имконини берди. Бугунги кунда ушбу самолётлар Деҳли, Мумбай, Франкфурт, Амстердам ва Шанхай шаҳарларига парвоз қилмоқда.

“Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси бош директори В.Тянининг сўзларига кўра, истеъмолчилар талабини тўла қондириш миллий авиаташувчи олдида турган устувор вазифалардан биридир. Миллий авиакомпаниямиз йўловчиларга юқори сифатли хизмат кўрсатишни қафолатлайди. Компания жамоаси мамлакатимиз авиациясининг келажагини ўйлаб, техник ва таъмирлаш базасини яхшилаш, миллий авиакомпаниянинг дунё авиаташувлар бозоридаги ўрнини мустаҳкамлаш, хизмат кўрсатиш даражасини ошириш, юқори маалаки кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Айни пайтда миллий авиакомпания томонидан 12 инвестиция лойиҳаси амалга оширилаётди. Ушбу лойиҳаларда ҳаво паркинни янгилаш, “Боинг-787 Дримлайнер” самолётларига техник хизмат кўрсатишга мўлжалланган ангар ва янги “Тошкент-4” йўловчи терминалини барпо этиш, аэропортларнинг ер усти инфратузилмасини ривожлантириш ва уларни махсус аэропорт техникаси ҳамда техник воситалар билан жиҳозлаш кўзда тутилган. “Uzbekistan Airways Technics” авиақорхонаси базасида самолётларнинг композицион материаллардан тайёрланган йирик таркибий қисмларини таъмирлаш бўйича янги марказ ташкил этилмоқда. Ушбу марказ келгуси йили иш бошлайди. Учувчилар малакасини ошириш мақсадида шу йилнинг охиригача миллий авиакомпаниянинг ўқув-машгулот марказида янги тренажёр — “А-320” ҳаво кемасининг Full-flight симулятори ўрнатилди. Аэропортнинг реконструкция қилинган VIP, CIP ва “Business-lounge” залларининг фойдаланишга топширилиши Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллигига муносиб совға бўлади.

Бу кенг қўламли лойиҳаларнинг бир қисми бўлиб, уларнинг ҳаётга татбиқ этилиши яқин келажакда миллий фуқаро авиациясининг сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, жаҳон авиабозорида ишончли ва барқарор авиаташувчи макомини янада мустаҳкамлаш имконини беради.

Меҳрибон МАМЕТОВА,
ЎЗА мухбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси томонидан ҳафтанинг ҳар шанба куни бошқарма биносида тадбиркорлик субъектларида мавжуд бўлган муаммо ва таклифларни ўрганиб бориш мақсадида “Очиқ эшиклар куни” ташкил этилган.

Тадбиркорларнинг малакали мутахассислар билан мулоқоти бошқарма биносида соат 10.00 дан 13.00 гача бўлиб ўтади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 2А-уйининг биринчи қавати. Бошқарма маъмурияти.

Тошкент вилояти, Охангарон тумани, Қорахитой қишлоқ фуқаролар йиғини Ургут қишлоғи бўйича рўйхатдан ўтган “MEGA POLIMER GRAND BIZNES” масъулияти чекланган жамиятининг (ИНН: 302915038) бурчак штампли ва думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ


Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ижроия қўмитаси Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси Бўстонлиқ тумани Ахборот-маслаҳат маркази директори

Шариф САКИЕВНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинлариға чуқур таъзия изҳор этади.


24
O'ZBEKISTON

МУСТАҚИЛЛИК —
ЭНГ УЛУҒ,
ЭНГ АЗИЗ НЕЪМАТ!



БУГУНГИ ҲОЛАТ

АВВАЛГИ ҲОЛАТ



Спорт

“КАМОЛОТ” ОЛТИН ТЎПИ” МУСОБАҚАСИ

Пойтахтимизда волейбол бўйича хотин-қизлар ўртасида “Камолот” олтин тўпи” мусобақасининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан қатор ташкилотлар ҳамкорлигида жорий йилдан бошлаб ўрта махсус ва олий таълим муассасалари ўқувчи-талабалари, қорхона ва ташкилотларда фаолият кўрсатаётган хотин-қизлар ўртасида ўтказилаётган мусобақада туман босқичларида ғолиб бўлган жамоалар баҳслашди. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида спортни ривожлантириш, аҳоли, айниқса, хотин-қизлар ва болаларни спортга кенг жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда “Камолот” ЁИХ томонидан ҳам қатор ишлар амалга ошириляпти. Жумладан, “Камолот” мажлиси, “Камолот” нисоллари, “Камолот” гунаҳлари, “Камолот” шахмат тахтаси” турнирлари, бадминтон ва қаратэ бўйича “Камолот” кубоги, велоспорт бўйича “Камолот-тур” мусобақалари, “Биз соғлом турмуш тарзини танлаймиз!” марафони ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштиришга хизмат қилмоқда. Таниқли спортчилар иштирокидаги учрашулар ўғил-қизларнинг спортга қизиқишини тобора оширмоқда.

“Камолот” олтин тўпи” мусобақасидан қўзланган асосий мақсад мамлакатимизда волейболни янада оммалаштириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишдан иборатдир.

Турнирда Юнусовод тумани тиббиёт бirlашмаси жамоаси ғолибликни қўлга киритиб, мамлакат босқичига йўлланма олди.

Жаҳоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎЗА муҳбири

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

(Давоми,
боши ўтган сонда)

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Тинч океани». Х/ф.
7.25 Миллий сериал: «Бедор туйғулар».
8.00 «Ахборот».
8.40 «Чакмақлар». Х/ф.
9.40 «Тонгги газета». Т/с.
10.25 «Иқлим».
10.30.1 «Наўрӣр». 2. «Чинсан».
11.00 «Ахборот».
11.10 «Эмма». Т/с.
11.40 «Табият мўжизаси». Х/ф.
11.55 «Иқлим».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
13.00 «Мерос». Б/ф. 2-қисм.
14.00 «Ахборот».
14.15 «Менинг боғим».
14.35 Миллий сериал: «Имтиҳон».
15.05 «Иқлим».
15.15 «Яшил папаяи ифори». Б/ф.
17.00 «Ахборот».
17.10 «Мари Кюри». Т/с.
17.55 «Кулларнинг бирида».
18.10 Миллий сериал: «Меҳмонхонадан айланай».
18.40 «Қўқон: Жомеъ масжиди».
18.50 «Яхшилик». Теленовелла.
18.55 «Зиё» студияси: «Этиқод мустоҳкамлиги йўлида».
19.25, 20.00, 20.55 Ўзлонлар.
19.30 «Ахборот» /рус/.
20.05 «Ўзбекистон кўп миллатли ахил оила».
20.30 «Тахлил-24».
21.00 «Ахборот».
21.40 «23.40 «Муносабат».
23.40 «Кулларнинг бирида».
23.55 «Менинг боғим».
00.10 Миллий сериал: «Меҳмонхонадан айланай».
00.40 «Тахлил-24».

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Вакт ҳикмодори».
Б/ф. 1-қисм.
8.00 «Ахборот».
8.40 «Лотинбоз Томаш».
Б/ф.
10.20 «Иқлим».
10.35 «Бизнинг сарат».
11.00 «Ўзингизни англа». Ток-шоу.
11.45 «Кулларнинг бирида».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
13.00 «Иқлим».
13.05 «Ўйдан олисда». Б/ф.
14.25 «Билимдон». Интеллектуал танлов.
15.20 «Иқлим».
15.30 «Лиззи Макгуайр».
Б/ф.
17.00 «Ахборот».
17.10 «Қўғонларимиз ҳақида».
17.35 «Иқлим».
17.45 «Хасакер раҳбари».
Б/ф.
19.25, 20.00, 20.55 Ўзлонлар.
19.30 «Ахборот» /рус/.
20.05 «Ўйдин ҳаёт». Ток-шоу.
21.00 «Ахборот».
21.40 «Хонадон фаизи».
22.00 «00.20 Хинд киноси: «Тадкир йўллари». Премьера.
00.20 «Қўғонларимиз ҳақида».
00.45 «Шарқ тароналари».
1.00 «Ахборот» /рус/.
1.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
2.30 «Ахборот». Б/ф.
4.00 «Ахборот».
4.40 «Хонадон фаизи».
5.00 «Иқлим».
5.10 «5.55 «Ўйдин ҳаёт».
Ток-шоу.

Ёшлар

6.00 «Ватан меҳри».
6.10 «Имкон-шоу».
7.00 «Ўзгалар гўзали». Т/с.
7.50 «Ёшлар наволари».

1.00 «Ахборот» /рус/.
1.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
2.30 «Тангаллик болалар».
Б/ф.
3.45 «Шарқ тароналари».
4.00 «Ахборот».
4.40 Миллий сериал: «Бедор туйғулар».
5.15 «Юртим таровати».
5.25 – 5.55 «Ўзбекистон кўп миллатли ахил оила».

Ёшлар

6.00 «Ватан меҳри».
6.10 «Ўйтинмас оҳанглар».
7.00 «Ўзгалар гўзали».
Т/с.
7.50 «Ёшлар наволари».
8.10 «Пуаро». Т/с.
9.50 «Истиқлол шуқуҳи».
10.00 «Давр».
10.10 «Бозор кўрмаган йигит».
Б/ф.
11.30 «13-студия».
12.00 «Скарлетт». Т/с.
12.50 «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 24 йиллигига: «Бетакоримсан»».
13.00 «Давр».
13.10 «Интиқом измида».
Б/ф.
14.50 «Автопатруль».
15.10 «Табият қўшиғи».
3-қисм.
15.50 «Истиқлол шуқуҳи».
16.00 «Давр».
16.10 «Сенга ошқиман».
Т/с.
17.00 «Шарқ гавҳари».
17.30 «Испан афсонаси».
18.50 «Истиқлол солнома-си».
19.00 «Давр».
19.30 «Ўзгалар гўзали».
Т/с.
20.20 «Мардлар қўриқлайди Ватани».
20.50 «Ёшлар наволари».
21.10 «Сенга ошқиман».
Т/с.
22.00 «Давр».
22.30 «Ўғрини қарқочинурди».
Б/ф.

Ўзбекистон

8.10 «У замоналар ўтиб кетган».
Б/ф.
9.30 «Соғлом ҳаёт».
9.50 «Истиқлол солнома-си».
10.00 «Давр».
10.10 «Қиличчи, тўқмоқ?»
Б/ф.
11.30 «Қаҳқаҳа».
12.00 «Скарлетт». Т/с.
12.50 «Истиқлол шуқуҳи».
13.00 «Давр».
13.10 «Бахт қулиб боққан».
Б/ф.
14.40 «Сехри қўллар».
15.00 «Ёшлар наволари».
15.50 «Истиқлол солнома-си».
16.00 «Давр».
16.10 «Сенга ошқиман».
Т/с.
17.00 «Шарқ гавҳари».
17.30 «Ёшлар наволари».
Б/ф.
18.50 «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 24 йиллигига: «Бетакоримсан»».
19.00 «Давр».
19.30 «Ўзгалар гўзали».
Т/с.
20.20 «Ўш бўлисин».
20.50 «Ёшлар наволари».
21.10 «Сенга ошқиман».
Т/с.
22.00 «Давр».
22.30 «Камелот рицари».
Б/ф.
00.00 «Мўжизавий дунё».
2.30 «Шарқ гавҳари».
4.20 «Ёшлар наволари».
Б/ф.
5.30 – 6.00 «Давр».

Тошкент

5.55 «Ягонасан, муқаддас Ватаним!»
6.00, 8.00, 10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00, 20.00, 22.00, 24.00 «Рўйхат».
6.10 «Супердостижение земли».
Д/ф.
7.00 «Тошкент вақти».
9.00 «Рўйхат-репортаж».

00.10 «Мўжизавий дунё».
2.10 «Пуаро». Т/с.
3.50 «Ўзгалар».
4.20 «Испан афсонаси».
Т/с.
5.30 – 6.00 «Давр».

Тошкент

5.55 «Ягонасан, муқаддас Ватаним!»
6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 24.00 «Рўйхат».
6.20 Миллий сериал: «Фидойилар».
6.55 «Тошкент вақти».
9.10 «Муҳаббат тантанаси».
Т/с.

ЖУМА, 21

9.50 «Рўйхат-спорт».
10.20 «Касл». Т/с.
11.15 «Дилбандим» тележурнали.
11.45 «Рўйхат-еко».
12.10 Миллий сериал: «Фидойилар».
12.45 «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 24 йиллигига: «Рўйхат-интервью»».
13.10 «Шаг за шагом».
13.45 «Қўғон доирасида».
14.10 «Тошкент вақти».
15.10 «Уч атиргул». Т/с.
15.50 «Рўйхат-спорт».
16.15 Миллий кино: «Хотира рашик».
17.35 «Бахт кўргони».
18.15 «Ишга марҳамат!»
18.20 «Эртаиз эгалари».
18.40 «Мобильная камера».
18.50 «Пойтахт-репортаж».
19.00 «Телемаркет».
19.15 «Муҳаббат тантанаси».
Т/с.
19.50 «Ким эдигу, ким бўлдиқ?»
20.20 «Уч атиргул». Т/с.

Спорт

6.00 «Хайрли тонг!»
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 «Мўжизавий дунё».
6.35 АНОНС.
6.40 «Халқ ўйинлари».
6.50 АНОНС.
7.00 «Sport-online».
8.00 ХАБАРЛАР.
8.10 АНОНС.
8.15 Интерфутбол.
9.55 Бокс. Ёшлар ўртасида ҳаққор турнир.
10.55 Велоспорт.
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 «Sport-online».
13.00 АНОНС.
13.05 Таъкидот. WTF. Гран-при турнири.
13.55 АНОНС.
14.00 ХАБАРЛАР.
14.15 АНОНС.
14.20 Спортсмен. Европа чемпионати.
15.40 «Нашонга олдими».
15.50 Теннис.
17.05 «Спорт сайёраси».

Спорт

6.00 «Хайрли тонг!»
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 Интерфутбол.
7.55 АНОНС.
8.00 ХАБАРЛАР.
8.10 АНОНС.
8.15 Қиличбозлик. Жаҳон чемпионати.
9.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» – «Қизилқум».
10.40 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 24 йиллигига: «Ифтихоримсан, спорт!»
10.55 Спортсмен. Европа чемпионати.
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 Қиличбозлик. Жаҳон чемпионати.
14.00 ХАБАРЛАР.
14.10 АНОНС.
14.15 Велоспорт.
15.50 Теннис.
16.35 Спорт сайёраси.
16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 24 йиллигига: «Шоҳрупага йўл».
17.30 ХАБАРЛАР.
17.50 АНОНС.
17.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Олмалик» – «Машал». Турнирдан-турнир олиб кўрсатилади.
20.00 АНОНС.
20.05 «Мундиал сари».
20.25 АНОНС.
20.30 «Спорт-маркет».
20.35 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Бунёдкор» – «Локомотив».
21.30 ХАБАРЛАР.

ШАНБА, 22

15.10 «Уч атиргул». Т/с.
15.50 «Пойтахт-репортаж».
16.15 «Абдуллажон». Б/ф.
17.40 «Профессионал».
18.15 «Ишга марҳамат!»
18.20 «Кўзгудаги биз».
19.00 «Телемаркет».
19.15 «Муҳаббат тантанаси».
Т/с.
19.50 «Ким эдигу, ким бўлдиқ?»
20.20 «Уч атиргул». Т/с.
20.50 «Олин-олин».
21.30 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 24 йиллигига: «Рўйхат-интервью».
21.45 «Телемаркет».
22.20 «Тошкент вақти».
23.20 «Охотник».
Х/ф. /Премьера/.
1.00 «Рўйхат-Hi-tech».
1.10 «Касл». Т/с.
2.15 Миллий кино: «Хотира рашик».
3.20 «Рўйхат-еко».
3.30 «Истиқлол шуқуҳи».
3.55 – 5.55 «Тошкент вақти».

Спорт

04.20 Х/ф «Испытание верности»
05.00 «Новости»
05.10 Х/ф «Испытание верности»
06.25 Т/с «Дурная кровь»
08.05 «Игра, гармонь любви»
14.00 «Новости»
14.15 Велоспорт.
15.50 Теннис.
16.35 Спорт сайёраси.
16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 24 йиллигига: «Шоҳрупага йўл».
17.30 ХАБАРЛАР.
17.50 АНОНС.
17.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати.
18.15 «Олмалик» – «Машал». Турнирдан-турнир олиб кўрсатилади.
20.00 АНОНС.
20.05 «Мундиал сари».
20.25 АНОНС.
20.30 «Спорт-маркет».
20.35 Футбол. Ўзбекистон чемпионати.
21.30 «Бунёдкор» – «Локомотив».
21.30 ХАБАРЛАР.

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 24 йиллигига: «Ифтихоримсан, спорт!»
17.35 «Техноспорт».
17.40 «ХАБАРЛАР».
18.20 АНОНС.
18.25 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» – «Қизилқум». Турнирдан-турнир олиб кўрсатилади.
20.20 «Спорт-маркет».
20.25 От спорт. Европа чемпионати.
21.25 АНОНС.
21.30 ХАБАРЛАР.
21.50 АНОНС.
21.55 «Sport-report».
22.10 Интерфутбол.
23.50 АНОНС.
00.00 АНОНС.
00.05 Қиличбозлик. Жаҳон чемпионати.
1.05 АНОНС.
1.10 ХАБАРЛАР.
1.30 АНОНС.
1.35 Велоспорт.
2.35 Қиличбозлик. Жаҳон чемпионати.
4.25 «Реал Мадрид». Хужжатли фильм.
4.40 АНОНС.
4.45 – 6.00 Теннис.

Первый канал

04.00 Телеканал «Доброе утро»
07.00 «Новости»
07.05 «Наедине со всеми»
08.00 «Новости»
08.10 Контрольная закупка
08.35 «Жить здорово!»
09.35 Модный приговор
10.30 Фазенда
11.00 «Новости»
11.20 Т/с «Крик совы»
13.05 «Мужское/Женское»
14.00 «Новости»
14.20 «Мужское/Женское»
15.10 «Наталья Варлей. Скупоно без Шурки»
16.10 «Жди меня»

21.50 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Бунёдкор» – «Локомотив» 2-тайм.
22.40 АНОНС.
22.45 «Sport-report».
23.00 От спорт. Европа чемпионати.
00.00 АНОНС.
00.05 Енгил атлетика. Жаҳон чемпионати.
1.25 АНОНС.
1.30 ХАБАРЛАР.
1.50 АНОНС.
1.55 Байдарка ва каноз. Жаҳон чемпионати.
3.15 АНОНС.
3.20 «Реал Мадрид». Хужжатли фильм.
3.35 Велоспорт.
4.35 АНОНС.
4.40 – 6.00 Теннис.

Первый канал

04.20 Х/ф «Испытание верности»
05.00 «Новости»
05.10 Х/ф «Испытание верности»
06.25 Т/с «Дурная кровь»
08.05 «Игра, гармонь любви»
14.00 «Новости»
14.15 Велоспорт.
15.50 Теннис.
16.35 Спорт сайёраси.
16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 24 йиллигига: «Шоҳрупага йўл».
17.30 ХАБАРЛАР.
17.50 АНОНС.
17.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати.
18.15 «Олмалик» – «Машал». Турнирдан-турнир олиб кўрсатилади.
20.00 АНОНС.
20.05 «Мундиал сари».
20.25 АНОНС.
20.30 «Спорт-маркет».
20.35 Футбол. Ўзбекистон чемпионати.
21.30 «Бунёдкор» – «Локомотив».
21.30 ХАБАРЛАР.

17.00 Вечерние новости
18.00 «Давай поженимся!»
19.00 «Поле чудес»
20.00 «Время»
20.30 Т/с «Крик совы»
22.25 Т/с «Чистота»
00.15 Х/ф «Лига выдающих-ся джентльменов»
01.55 Х/ф «Любимая женщина механика Гаврилова»
03.15 «Пока все дома»

Россия

05.00, 09.15 «Утро России»
09.00, 11.00, 14.00, 17.00, 17.30, 20.00 «Вести»
09.55 «О самом главном»
11.35, 14.30, 17.10, 19.35 Вести-Москва.
11.55 Т/с «Тайны следствия»
12.55 «Особый случай»
14.50 Вести. Деловая часть.
15.00 Т/с «Пилот междуна-родных авиалиний»
18.15 «Прямой эфир»
21.00 «Кривое зеркало»
22.50 Х/ф «Пять лет и один день»
00.50 «Живой звук»
02.50 «Горячая десятка»
03.55 «Комната смеха»

НТВ

05.00 «Солнечно. без осадков»
07.10 Т/с «Возвращение Мухомора»
09.00, 12.00, 15.00, 18.00 «Сегодня»
09.20 Т/с «Дорожный патруль»
11.00, 12.15 «Суд присяжных»
13.30 «Обзор ЧП»
14.00, 15.20 Т/с «Москва. Три вокзала»
17.00 «Говорим и показываем»
18.40 Х/ф «По следу зверя»
22.25 Х/ф «Отпуск»
00.15 «Советский мирный атом». Д/ф. «Собственная гордость»
01.10 «Ах, какие дети»
02.10 «Дикий мир»
02.20 Т/с «2,5 человека»
04.00 «Все будет хорошо!»

20.00 «Время»
20.20 «Сегодня вечером»
21.50 «КВН». Премьер-лига
22.05 Х/ф «Люди Икс: Начало. Росомаха»
00.55 Х/ф «Флирт со зверем»
02.30 Х/ф «Однажды вечером в поезде»
03.55 «Мужское/Женское»

Россия

06.35 «Сельское утро»
07.05 «Диалог о животных»
08.00, 11.00, 14.00, 20.00 Вести.
08.25, 11.10, 14.20 Вести-Москва.
08.35 «Военная программа»
09.00 «Танковый биатлон»
10.05 «Государственный»
11.20 «Кулинарная звезда»
12.20, 14.30 Х/ф «Кушак»
16.45 «Суботний вечер»
18.00 Х/ф «Никитина любовь»
20.35 Х/ф «Потому что люблю»
00.25 Х/ф «Время собирать камни»
02.25 Х/ф «Грустная дама черев»
04.15 «Комната смеха»
04.50 Х/ф «Одна на миллион»

НТВ

05.05 Т/с «Курортная полиция»
07.00, 09.00, 12.00, 18.00 «Сегодня»
07.20 «Хорошо там, где мы есть!»
07.50 «Их нравы»
08.25 «Готовим с Алексеем Зиминым»
09.20 «Главная дорога»
09.50 «Поедем, поедим!»
10.55 «Квартирный вопрос»
12.20 «Своя игра»
13.10, 18.20 Т/с «Ярость»
21.15 «Ты не поверишь!»
22.00 «Хочу в Воя Гр!»
23.55 Х/ф «Воры и проститутки»
02.05 «Дикий мир»
02.15 Т/с «2,5 человека»
04.05 «Все будет хорошо!»

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Вакт ҳикмодори».
Б/ф. 2-қисм.
8.00 «Ахборот».
8.40 «Чин истисод соҳиб-ин».
Б/ф.
10.55 «Иқлим».
11.00 «Ўйдин ҳаёт». Ток-шоу.
11.45 «Кулларнинг бири-да».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
13.00 «Серафима». Б/ф.
15.00 «Иқлим».
15.10 «Миттивойлар мамла-кати». Б/ф.
16.40 «Учбурчак». Ток-шоу.
17.30 «Канус парвози».
Б/ф. Премьера.
19.25, 20.00, 20.55 Ўзлонлар.
19.30 «Тахлилнома» /рус/.
20.05 «Ўзингизни англа». Ток-шоу.
21.00 «Тахлилнома».
21.40 «Заковат».
22.40 «Серафима». Б/ф.
22.40 «Орзуимда».
Б/ф.
00.20 «Ўзингизни англа». Ток-шоу.
1.00 «Тахлилнома» /рус/.
1.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
2.30 «Бахт қадри». Б/ф.
3.40 «Иқлим».
3.45 «Шарқ тароналари».

Ўзбекистон

4.00 «Тахлилнома».
4.40 «Заковат».
5.40 – 5.55 «Кулларнинг би-рида».
6.00 «Ватан меҳри».
6.10 «Омонат дунё». Спе-такль.
7.40 «Қизлар мактаби».
8.10 «Кавказ асираси».
9.30 Ўзбекистон Респу-бликаси Мустақиллигининг 24 йиллигига: «Бетакорим-сан».
9.40 «Оғоҳ бўлинг!»
9.45 «Отпад лотто»
10.00 «Ватанпарвар».
10.40 «Ушайди-ку!»
12.00 «Скарлетт». Т/с.
13.30 «Ахб қишлоқ ханго-малари».
14.10 «Тунги рейс». Б/ф.
15.40 «Тарини».
16.30 «Ўқитан назар».
17.10 «Янги Золушка».
Б/ф.
18.50 «Истиқлол солнома-си».

Ёшлар

19.00 «Давр ҳафта ичида».
19.30 «Имкон-шоу».
20.20 «Ўқитин дунё». Б/ф.
20.30 «Жаҳон мусикаси».
20.30 «Ватанпарвар».
1.10 «Автопатруль».
21.30 «ХАБАРЛАР».
22.00 АНОНС.
22.05 «Sport-report».
22.20 Енгил атлетика. Жа-ҳон чемпионати.
00.00 АНОНС.
00.05 Қиличбозлик. Жа-ҳон чемпионати.
1.05 АНОНС.
1.10 Велоспорт.
2.10 АНОНС.
2.15 Байдарка ва каноз. Жаҳон чемпионати.

Тошкент

5.55 «Ягонасан, муқаддас Ватаним!»
6.00 «Супердостижение земли».
Д/ф.
7.00 «Тошкент вақти».
9.00 «Бахт қўргони».
9.30 «Пазанд».
10.00 Хинд киноси: «Жум-бок».
12.15 «Дилбандим» теле